



Кун нафаси

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
21 июнь
сешанба
№ 78
(4674)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев жорий йилнинг 21-22 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари «Қўл жанги спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.

Президентнинг «Дзюдо спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Жорий йилнинг 20 июнь куни Беларусь Республикаси Бош вазири Роман Головченконинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Минск шаҳрига ташриф буюрди.



Олий Мажлис Сенати Раиси – Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси амалий ташриф билан Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) да бўлди.



Тошкентдаги Марказий Осиё халқаро институтида «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти: Марказий Осиёдан Евроосиёга» мавзусида ШХТ Хартиясининг 20 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Президентининг махсус вакили Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация Кобулда Афғонистон Ислоҳ Амирлиги бош вазинининг ўринбосарлари, шунингдек, ички ва ташқи ишлар вазирилари билан учрашувлар ўтказди.

Етакчи турк наشرларидан бири – «Business Turk» журнали Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунлари ҳамда икки давлат ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб махсус сон чиқарди.

2022 йилнинг 20 июнь куни Анқара шаҳрида Бошкент университети қошидаги Алишер Навоий номидаги халқаро марказ ҳамда Ўзбекистондаги Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида «Алишер Навоий асарлари ва халқаро маданий таъсир» мавзусида халқаро илмий анжуман ўз ишени бошлади.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгилаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта биргаликда барпо этамиз.
Шавкат МИРЗИЁЕВ



Свердловскда нималарни кўрдик?

2019 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ҳамда Россиянинг Свердловск области касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланган эди.

Яқинда, ушбу келишувга мувофиқ, Челябинск шаҳрида ўтказилган «Касаба уюшмаларининг инновацион дастурлари» мавзусидаги касаба уюшмаларининг XII Ёшлар слётига таклиф қилинди. Касаба уюшмалари соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Урал федерал округи томонидан уюштирилган учрашувлар бар-

дик. Гуруҳларда ишлаб, мавзу юзасидан ўз таклифларимизни билдирдик. Сўхбат асноси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини мисоллар ёрдамида сўзлаб бердик. Ёшлар учун ташкил қилинаётган танловлар, акциялар россиялик касаба уюшма фаолларида катта қизиқиш уйғотди. Жамоа келишуви ва шартномаларида ёшлар манфаатлари алоҳида бобда ифода-лангани юқори баҳоланди. Ҳамкасбларимиз қадимий ва навқирон Хива ҳақидаги ҳикояларимизни зўр ҳаяжон билан тинглашди. Мухтасар айтганда, тадбирлар ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлди. Ёшларни қўллаб-қувватлашда касаба уюшмаларининг ўрни янада ошириш юзасидан дастурлар ишлаб чиқилди. Россиядан қайтгач, таассуротларимизни ҳамкасбларимиз билан ўртоқлашдик. Бахтиёр ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Сурхондарё вилояти | Миннатдорлик

Эътибордан кўнглимиз ўсди

Гулистон тумани «Соҳилобод» маҳалласида яшовчи Сайёра Ашурованинг турмуш ўртоғи хорижга ишлашга кетганига бир йилдан ошди. Бу даврда оила бошлиғи уйга пул жўнатган, жўнатолмаган пайтлари бўлди. Айниқса, бемор бўлиб қолган кезлари оила анчайин мушкул аҳволга тушиб қолди. Оила бекаси шу дамларда дардини кимга айтишни, кимдан мадад қутишни билмади.

– Президентимизнинг бизга ўхшаб боқувчиси хорижга бўлганларга бир марталик ёрдам ажратилиши тўғрисидаги қарори жонимизга ора кирди, – дейди Сайёра Ашурова. – Маҳалла идорасига бориб, керакли ҳужжатларни тўлдирдим. Касаба уюшмаси ходимлари мен билан боғланиб, ҳисобланган маблағни пластик картага ўтказиб беришди. Моддий ёрдамни 2-, 6- ва 9-синфда ўқийдиган фарзандларимга ишлатаман. Эътибордан кўнглимиз кўтарилди. Турмуш ўртоғим билан телефон орқали гаплашиб, «Бўлар экан-ку!» деб кўз ёши қилиб олдим... Президент қарори билан боқувчиси хорижга ишлашга кетган ва «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» рўйхатида турган фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридоғи бир марталик ёрдам пуллари берилиши бошланди. Жумладан, сирдарёлик 7 та оилага ҳам ёрдам кўрсатилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

Сурхондарё вилояти | Ҳуқуқ

Устама тўлаб берилди



Улжамол Юлдашева 2019 йилнинг 4 январидан Термиз туманидаги 1-сонли умумтаълим мактабида жисмоний тарбия фанидан сабоқ бериб келган. У бир ставка дарс соатлари билан таъминланган.

2022 йил 24 апрелда тоифа бўйича мажбурий аттестациядан ўтган. Бундан ташқари, У.Юлдашевада магистр даражаси ҳам бор. Аммо шунга қарамай, ходимга иш бериш томонидан қўшимча ойлик иш ҳақи тўланмаган.

У ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ва тўланмаган иш ҳақини ундириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашига мурожаат йўллади. Унинг аризаси мутасаддилар томонидан ўрганиб чиқилди. Натигада У.Юлдашевага иккинчи малака тоифа бўйича 4 843 510 сўм ойлик иш ҳақи тўлангани ойдинлашди. Бу бўйича иш беришчи ва туман халқ таълими бўлимига киритилган кўрсатма қаноатлантирилиб, ходимга ушбу маблағ ундириб берилди.

Зафар ХОЛОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Келгуси сонларда ўқинг...



БАХТ БОЙЛИК БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМЛАРИ ВА «КОМИССИЯ»ЛАР КЕРАКМИ?

ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР

Сирдарё
вилояти

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИДАН МУҲИМРОҚ ВАЗИФА ЙЎҚ

Жиззах вилояти Зомин туманининг ҳушманзара Қўриқ қишлоғида жойлашган «Зомин» соғломлаштириш оромгоҳини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши тасарруф этади.

Яқинда оромгоҳда ташкил этилган тадбир болалар меҳнатига қарши кураш мавзусига бағишланди. Унда болалар меҳнатининг кўринишлари ва унга қарши кураш, болалар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида муфассал маълумот берилди.

Тадбир асноси футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка мусобақалари уюштирилди. Китобхонлик, шеърхонлик ва болалар меҳнатига қарши мавзуларда расм чизиш танлови ва кўргазма ташкил этилди.

– Болажонларнинг саломатлигидан муҳимроқ вазифа бор эканми дунёда? – дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Сирдарё вилояти бўлими бошлиғи Юлдуз Усмонова. – Болаларни шод, қувноқ елиб-югуришларини кўриб, болалигим ёдимга тушди. Бугун биз фонд ҳисобидан болажонлар саломатлиги учун зарур витаминлар комплекси, ҳар хил медикаментларни келтирдик.

Тадбирда фаол қатнашган болалар рағбатлантирилиб, ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Самарқанд
вилояти

«Қалдирғоч»да қанот қоқаётганлар

Жомбой туманидаги «Қалдирғоч» болалар оромгоҳида ўқувчиларнинг таътилни мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилган.



Бўш вақтни мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилаётган турли маданий-маърифий тадбирларда болажонлар фаол иштирок этишмоқда. Хусусан, вилоят касба уюшмалари, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси томонидан ташкил этилган спорт ва билимдонлар беллашувида ҳам дам олувчилар фаоллик кўрсатишди. «Мен эркин ва

фаровон юрт фарзандиман» шиори остида ўтказилган расмлар танловида ёш мусаввирлар ўз иқтидорларини намойиш этишди.

– Айни чоғда туманимизнинг турли маҳаллаларида истиқомат қилаётган 100 нафар мактаб ўқувчиси оромгоҳда дам олдириляпти, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Жомбой Тумани кенгаши

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Фарғона
вилояти

Бу даврга фақат шодлик ярашади

Фарғона шаҳридаги «Ҳумо» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Болалар меҳнатига барҳам бериш учун умумий ижтимоий ҳимоя!» шиори остида тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида оромгоҳда юқори натижаларни кўлга киритиб келаётган турли соҳа вакиллари билан учрашув ва маҳорат дарслари, қўшиқ ва шеърлар айтиш, расм чизиш танловлари, спорт мусобақалари ҳамда оромгоҳ дам олувчиларининг бадий чиқишлари ташкил этилди.

Фаол иштирокчилар ва мусобақа ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шу мавзудаги тадбирлар Фарғона вилоятидаги яна 7 та стационар болалар оромгоҳида ҳам ташкил этилди.

Турсунали КАРИМОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг
Фарғона вилояти кенгаши «Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий
манфаатларини ҳимоя қилиш» бўлими мудири

Андижон
вилояти

Андижон давлат университетида турли кўрик-танлов ҳамда тадбирларнинг ғолиб ва совриндорларига биринчи навбатда китоб совға қилиш анъана тусини олган. Ўтган йилнинг ўзида 115 миллион 500 минг сўмлик бадий китоблар ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, фидойи ва заҳматқаш педагог ходимлар ва уларнинг ота-оналари учун

КИТОБ – ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

сиҳатгоҳларга 115 та йўлланма олиб берилди. Ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурият билан мунтазам алоқа ўрнатилган, – дейди университетнинг ходимлар ва талабалар касба уюшма кўмитаси раиси Мирзабахром Ботиров. – Маълум сабабларга кўра талабалар сафидан четлатилаётган талабалар билан

уларнинг хонадонларида бўлиб, тушунтириш ишлари олиб бордик. Натижада, 7 нафар талабанинг ўқишини давом эттиришга имкон яратилди. Қолаверса, таълим муассасасида ишлаётган хўжалик ходимларининг ойлик маошларига жамоа шартномасига асосан устамалар белгиланди.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
«ISHONCH»

Бошланғич ташкилотларда



Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

Наманган
вилояти

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги оммавий ахборот воситалари вакиллари Наманган вилоятида маҳаллабай ишлаш тизими ва ҳоким ёрдамчилари амалга оширилган ишлар билан таништириш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.

Дастлаб Наманган шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида матбуот анжумани ўтказилди. Унда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Толибжон Юсупов ҳудудларда айти йўналишларда ишлар ва келгуси режалар хусусида сўз юритди.

Сўнгра иштирокчилар «Баркамол авлод» маҳалласида хонадонбай ишлаш тизими, кичик sanoat зонасида амалга оширилаётган ишлар, янги инвестиция лойиҳалари ва чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Мастер класс дизайн» МЧЖ фаолияти билан танишдилар.

Уйчи туманида давом эттирилган тадбир чоғи, аввало, «Ёркатай» кичик sanoat зонасида ташриф буюрилди. Ўз хонадонини кулолчилик



корхонасига айлантириб, эллик нафардан зиёд хотин-қизни иш билан таъминлаган тадбиркор Илҳомжон Тўхтамирзаев етакчилигидаги жамоа тайёрлаётган, миллий ва замонавий нақшлар билан безак берилган чинни идишлар айти кунларда экспорт ҳам қилинаётганидан барча мамнун бўлди.

Ҳоким ёрдамчилари бажараётган ишлар билан танишиш Учқўрғон туманида ҳам давом этди. Журналистлар «Соҳил» маҳалласида «Учқўрғон форель балиқлари» МЧЖ очган кооперация ва балиқ етишти-

риш лойиҳаси билан таништирилди. Масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, ҳозир вилоятда мавжуд маҳаллаларда 784 нафар ҳоким ёрдамчиси фаолият юритмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 522 мингдан зиёд хонадон тўлиқ хатловдан ўтказилди ва жорий йилнинг беш ойи давомида 140 минг 300 та иш ўрни яратилди, 7300 нафар кишига жами 150,3 миллиард сўм кредит маблағи, 1790 кишига 2,3 миллиард сўм субсидия ажратилди. Худудларда 4,6 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил

этилди. Инвестиция дастурига киритилмаган 1,7 мингта «Маҳаллабай» лойиҳа шакллантирилди.

Пресс-турнинг иккинчи кунги журналистлар Янги Наманган туманидаги «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғинининг бошқарув идораси, кутубхона ва маданият маскани ҳамда давлат хизматлари марказини ўз ичига олган гузардаги ўзгаришларни, шунингдек, маҳаллада янги қад кўтарган 61-давлат мактабгача таълим ташкилоти, IT маркази фаолияти ва узумчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар самарасини ўз кўзлари билан кўрдилар. Улар Давлатобод туманининг «Янги тонг» маҳалласидаги «УПТС» IT академияси, «Юксалиш» маҳалласидаги кулолчилик микро маркази, Поп туманининг Ором мавзесида қурилаётган 750 ўринли иссиқхона мажмуаси, Чодак қишлоғида барпо этилган кўп қаватли уйлар ва туризм объектлари фаолияти билан ҳам танишдилар.

Орзугул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Навоий
вилояти

Касба уюшма аралашгач...

Яқинда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар муаммолари бўйича «Ишонч телефони»га Навоий шаҳрида яшовчи Ҳилола Бозоровадан мурожаат келиб тушди.

ҲИЛОЛА ЎЗ ИШИГА ТИКЛАНДИ

Таъқидланишича, у 2019 йилнинг 3 ноябрдан 2022 йилнинг март ойига қадар «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғинида оила ва хотин-қизлар, ижтимоий масалалар бўйича раис ўринбосари вазифасида ишлаб келган. Аммо шу йилнинг 4 мартда Ҳилола Бозорова билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган.


Мазкур мурожаатни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясини Навоий вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Алишер Раҳматов атрофича ўрганиб чиқди. Аниқланишича, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида фуқаро Ҳилола Бозоровага олдиндан огоҳлантириш хати берилмаган. Боз устига, ходимни ишдан бўшатиш тўғрисида касба уюшма кўми-

тасининг розилиги ҳам олинмаган. Юқоридегиларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши фуқаро Ҳилола Бозоровани ўз ишига тиклаш масаласида фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Суд барча ҳужжатларни синчковлик билан ўрганиб чиққач, даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топди. Шундай қилиб, Ҳилола Бозорова яна ўз вазифасига тикланди. Унга мажбурий ишсиз юрган кунлари учун 8 миллион 360 минг сўм миқдоридagi меҳнат ҳақи ҳамда 5 миллион сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»

Тарозининг икки палласи бор. Бир томонида оғирлик ўлчови – тош турса, бошқа томонида харид қилинаётган нарса бўлади. Қачон мурод ҳосил бўлади? Қачонки, тарози паллалари тенг келиб, мувозанат ҳосил бўлса. Шунда сотувчи ҳам, олувчи ҳам мамнун қолади. Қушнинг ҳам икки қаноти бор. Қуш шулар воситасида парвоз қилади. Одамга бўлса, иккита оёқ ато этилган... Битта бўлса-чи? Ҳақ-калаб қоларди у. Узоққа боролмасди. Энг яқин манзилларга етиш ҳам фақат хаёлга айланарди. Хўш, бу аналогиялар нима учун керак?



Долзарб мавзу

КИТОБ ДЎКОНЛАРИМИЗДА...

Ҳеч қачон ўлмайдигандек бу дунё учун,
эртага ўладигандек охират учун яша.

Ҳадис

Шунинг учунки, бугун ёшларимизнинг умумий учун икки қанотга эҳтиёжи бўлган ҳолда, уни битта қанот билан парвозга чорлаямиз. Битта қанот билан парвоз қилмоқчи бўлганларнинг эса ҳоли маълум: хиёл, ўтмай оғзи-бурни тупроққа қоришиб ерга йиқилади.

Мана, ниҳоят, масаланинг ўзағига келдик. Мен бугун китоб дўконларини айландим. Чорсудаги бир вақтлар турфа китоблар сотғич дўконлар асосан диний китоблар дўконларига айланиб бўпти. Дунёвий китоблар, баъдий адабиёт, бошқа ҳар турли илмий адабиётлар йўқ ҳисоби. Бўлса ҳам, бир бурчакка тикиб қўйилган. Ижарадаги қўли юпқа талабага ўхшайди улар. Хўжайиннинг қош-қовоғига қараб кун кўради, «чиқиб кет!» деса, чиқиб ҳам кетаверадиган алфозда.

Бу ҳолни кўриб, неча ўн йиллардан бери фақат баъдий адабиёт намуналарини чоп этиб келган машҳур бир наشريёт директорининг: «Улугбек ака, биз ҳам диний китоблар босиш ҳақида жиддий ўйлаямиз, бунинг йўлларини қидираймиз» дегани ёдимга тушди. «Бошқа чораси йўқми?» дея сўрасам, «Қани энди бўлса» дея жавоб берганди у.

Ўйлаб кўрилса, мазкур суҳбат бугунги ўзбек жамияти кўпроқ қандай китобларни ўқиётгани-ю, одамларнинг эътибори қайси томонга қараб силжитганини ҳаққоний кўрсатиб берадиган барометр бўлган экан.

Хўш, бунинг нимаси яхши-ю нимаси ёмон?



Халқимизга динимизнинг қайтгани – яхши.

Халқимизнинг дунёвий илм-фану, баъдий адабиёт, санъатдан узоқлашган – ёмон сигнал.

Чунки шунча диний адабиёт ёнида яна шунча баъдий адабиёт, санъат, илм-фанга доир, керак бўлса, ҳаёт мамот-масаламизни ҳал қилувчи ҳодисалардан сабоқ берувчи илмий адабиёт ҳам бўлиши керак-да! Гап шу ҳақда. Қанот жуфт бўлсин, ахир!

Бизнинг қорақўз ўзбекларга «дўппини олиб кел» десангиз, биратўла бош билан кўтариб кела қолишади. Гап шу ҳақда.

Диний таълим керак. Дин керак. Ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган умидни инсондан тортиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шўролар тортиб олган эди. Одатда, тақиқ қўйилган нарсаларга соғинчу интилиш кучли бўлади. Динга бўлган ана шундай соғинчу интилиш шунчалар кучли эдики, «Мустақиллик шарофати билан муқаддас динимизга рухсат берилди», дейилиши билан аксар одамларимиз, айниқса, ёшларимиз боши билан динга шўнгиди. Шунчаларки, тарозининг иккинчи палласини – дунёни унутди. Тарози палласининг бири оғди-кетди. Иккинчиси эса осмонни қанот қилди. Бунинг нима оқибатларга олиб келишини камина «Мувозанат» романида, Амир образи орқали озми-кўпми очиб беришга уринган эдим. Амир охиратини ўйлаб, бу дунёсини, наинки ўз дунёсини, айна пайтад, оиласининг – умр йўлдоши-ю

ўғил-қизининг дунёсини ҳам хавф остига қўйганди...

Мактабга энди чиққан, ёшимиз етти-саккиз, кимники тўққиз-ўнда эди. Мактаб совет мактаби бўлиб, унда Ленин «бобо» ғоялари жадал тарғиб қилинаётган палла. Хуллас, «Дин халқ учун афёндин» дея ярми узиб олиниб, нотўғри талқин қилинган шиор баралла янграган давр.

Шунга қарамай, қишлоғимизда бир эски масжид доимо ишлаб турарди. Ушандай даврда биз ёш болалар уйга мол-қўй ҳайдаб келарканмиз, кўққисдан азон саси эшитилиб қолса, дарров чўккалаб олардик. Азон айтилиб бўлгунча эса, ҳайвон-ҳайвон-да, кетиб қоларди узоқ-узоқларга, – биз чопардик кейин изидан «қайдасан?» деб. Лекин муаззин саси – азон тугамагунча ўрнимиздан турмасдик. Азон тугар ва биз ўрнимиздан тура солиб оёқни қўлга олганча югурардик.

Етиб борсак, ҳайвон тушмагур ё қўшнингнинг экинига тумшўқ суққан ёки яна бировнинг дарахтига оғиз урган бўларди. Лекин ортиқча уруш-жанжал бўлмасди. Масжиду азондан ташқари яна намозни билардик: бобомиз, момомиз намоз ўқирди. Уларнинг қўлларидан арабча ёзилган китоблар бўларди. Фақат улар яширин сақланарди. Диний рух, диний иқлим мана шу тарзда биз ёшларга ҳам озми-кўпми кўчган эди десам, муболаға бўлмас-ов.

Биз ана шундай – далада молу қўй боқиб, Ленин «бобога» бағишланган «Ўқинг аъло, бўлинг доно, деган бизга Ленин бобо!» деган жўқича тизмани ёддан айтиб юрган кезларимизда денг

лоҳнинг махлуқи бўлиб, бир пайтнинг ўзида ҳам тана, ҳам руҳдан иборат-да. Танаси бу дунёга, руҳи эса охиратга тегишли. Бас, танасининг яшамоғи учун дунё билан тиллашмоғи, уни яхши билмоғи, танимоғи керак бўлса, руҳининг парвози учун эса, диний-руҳоний таълим-тарбияга эҳтиёжи бор унинг. Ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган ишончини инсоннинг юрагидан олиб қўйинг-чи, нима бўларкин: у дунёдаги энг ёвуз махлуққа айланади. Унинг олдида куртурган туя нима бўпти-ю оч йўлбарсу йиртқич арслон нима бўпти!.. Шунинг учун ҳам маърифатпарвар француз Вольтер ўз даврида: «Агар худо бўлмаганда, уни ўйлаб топиш керак бўларди» дея хайқирганди. Чунки айнан худо-да кўрқинишга инсонни бу дунёда инсондек тутиб туришини у яхши билган. Уша художўй Достоевский ҳам бир қаҳрамони тилидан шундай дея бўзлаганди: «Агар худо ўлган бўлса, демек, ҳамма нарса мумкиндинр». Бу даҳшатли эркинлик эди. Улар – Вольтеру Достоевский каби даҳолар худосизликнинг қаерларга олиб боришини жуда яхши билишган. Достоевский «Иблислар» («Бесы») деган романида ҳам айнан худосиз жамият қурмоқчи бўлган советларни олдиндан баҳорат қилган эди, уларни иблислар деб атаганди, ҳа...

Лекин дунё экан: унинг тарози палласи гоҳ у томонга, гоҳ эса бу томонга оғиб яшаркан. Ўртадаги мувозанатни топиш эса ҳар доим ҳам, ҳамма даврларга ҳам, ҳамма инсонларга ҳам наисиб қилавермас экан. Узоққа бормайлик: ана, шўро даврида дунёвийликка уруғ берилган бўлса, бугун диний йўналишга кириб борарди жамият. Қани улар ўртасидаги мувозанат?..

Қадимда туркий қавмлар 17 марта катта империя қургани ҳақида ўқиб қолгандим. Бунинг сабаблари ҳақида ёзган туркиялик профессор Усмон Турон туркий қавмларнинг мода ва руҳ ўртасидаги мувозанатга эришиб яшаганида, деб билади. Яъни, бир томондан ягона Тангрига, кейинчалик Аллоҳга бўлган ишонч, иккинчи томондан эса дунёвий ишлардаги илғорлик туркийларнинг катта ва умрзоқ империялар қуришига омил бўлган экан.

Яна Совет империясини эслайлик. Нега у бунчалар тез қўлади? «АҚШ доллар билан йиқитди» деган қарашлар бор. Лекин империянинг ўзи ичкаридан заифлашиб қолмас, ташқаридан уни кулатиш осон эмас-да!.. Советларнинг ўзи умумий тараққиётдан ҳар томонлама орқада қолган эди: моддий жиҳатдан ҳам, ғояви-ю руҳоний жиҳатдан ҳам. Бундай заиф империяни кўп нарса билан уриб йиқитиш мумкин, дейлик, молиявий (доллар билан), ҳарбий, ғоявий ва ҳ.к. тўқмоқлар унга кифоя.

2022 йил 10 апрель куни телевизорда марҳум диний уламо Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг бир чиқишини кўриб қолдим. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Суриядаги урушларда мусулмонларнинг ўзини қандай тутаётгани ҳақида кўйиниб сўзлаётган эди. Ҳазрат сўзларининг қисқача маъноси шундай эди: Сурияда ҳукуматга қарши диний тоифалар бор. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам ҳукуматга қарши курашади, ҳам ўзаро уришади. Шундай бир вақтлар эдики, камина ўша ерга мусулмон уламоларнинг раҳбари бўлиб бордим, урушни тўхтатиш борасида музокаралар ўтказдик. Келишилди. Урушамиз, дея ваъдалар берилди. Лекин биз қайтиб келгандан кўп ўтмай яна баҳс-мунозара янгилиниб, ҳам ҳукуматга қарши, ҳам ўзаро уруша бошлашди, деди.

Шайх ҳазратларининг, айниқса мана бу гапи – улар четдан қурол-яроғ сотиб олиб, бир-бирини қирғин қилишни жуда яхши билишади. Лекин урушаётган ўша диний тоифаларнинг бари бир бўлиб ҳам битта пистолет ихтиро қила олмайди. Майли, пистолетни қўйинг, унинг битта ўқини ишлаб чиқара олмайди, – дегани менга жуда катта таъсир қилди.

Қаранг, шайх ҳазратлари нимага уруғ беряпти – диний билимлар билан



қуролланиб олган тоифалар дунёвий билимлардан ноль эканига! Шундай эмасми! Хўш, дунёвий билимлари ноль экан, диний билимларининг ҳоли қандоқ экан? У ҳам жуда ҳавас қилгулик эмас. Зеро, Ислом дини – ўзининг ўзақ-ўзағида тинчлик дини, сулҳ дини, бағрикенглик дини. Бас, шундай экан, икки ёки ундан ортиқ, ҳаммаси исломий бўлган гуруҳлар нега бир-бирига қараб ўқ ўзади?.. Буни жаҳолатдан озикланувчи нафсадан бошқа нарса билан изоҳлаш мушкулдир, эҳтимол.

Бир расм кўриб қолдим, дея давом этди шайх. Унда икки мусулмон бир-бирини тўқмоқ билан уряпти. Тўқмоққа «Аллоху акбар!» деб ёзиб қўйилган. Ҳар иккиси ҳам Аллоҳнинг номидан иш тутлапман деапти, лекин бири бошқасини ўлдирмоқчи бўляпти. Бу ёқда эса, уларни кузатиб турган икки ажнабий ўзаро гаплашапти. Бири сўрапти: улардан қайси бири ютади? Иккинчиси жавоб беряпти: биз ютаемиз!..

Ана, сизга айрим мусулмонлар дунёсининг аянч ҳоли!

Хаёлимда улўғ шоир Эркин Воҳидовнинг «Рўҳлар исёни» достонидан бир эпизод гавдаланди. 1978-79 йилда битилган достонда ҳинду билан мусулмон бир-бирини уриб ўлдирётган эпизод тасвирланади. Мусулмон «алқасос» дея бақирса, ҳинду «будда учун!» дея қичқиради. Ҳар бири ўзича муқаддас урушга отланган. Лекин бу уруш оловини ёққанлар бошқа. Фақат буни на ҳинду кўради ва на мусулмон. Тафаккур кўзи боғлиқ бўлгани учун одамликни муқаддас уруш деб ўйлашади. Уруш оловини зимдан ёқиб қўйган одам эса томошабин. Ким у? Оврупалик оқтанли жаноб! У ичкарида қора қаҳва ичган кўйи мусулмону ҳиндунинг ўзаро қирғинбарот урушини деразадан маъза қилиб кузатиб ўтиради.

*Аслида-ку ҳаёт оғу,
Турмуш ўзи зимистон.
Айбдор эмас бунга ҳинду,
Гуноҳқормас мусулмон.
Аслида-ку...
Беизтироб
Ҳўллаб қора қаҳвани
Деразадан оқтан жаноб
Кузатар жоҳорони.*

Ана, сизга шайх ҳазратлари яқинларда – 2015 йилда вафот этишидан бироз аввал айтган оғир бир гапининг бундан салкам 40 йил бурун ўзбек адабиётида акс этган фоже манзараси!..

Хей, динни деб дунёвийликдан узоқ тушган биродарим, бир қадам дунёга яқинроқ кел! Эй, дунёни деб, диндан йироқлашган биродарим, бир одим динга – маънавиятга ёвуқ юр! Токи, ўртада мурод ҳосил бўлсин! Муродки, пайғамбаримиз Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васаллам айтган ўрта йўл – «Ҳеч қачон ўлмайдигандек бу дунё учун, эртага ўладигандек охират учун яша!» амрига кел! Келайлик! Токи, ҳаёт деганимиз улўғ бир неъматдир. Бу неъ-


матни ҳимоя қилишининг эса бошқа чораси йўқ ҳозирги глобал дунёда: бизнинг кўнглимиз, Нақшбанд ҳазратлари буюрганидек, Аллоҳ билан, қўлимиз эса фойдали иш билан машғул бўлиши шарт («Дил ба ёру даст ба қор»!).

Фақат охират ҳаёли билангина яшадиган миллат тарих саҳнасида узоқ қолмайди, фақат дунёвий юмушгагина умрини сарфлаган халқ ҳам ҳалокатга маҳкумдир. Наҳот уларнинг ўртасида, ҳақсизда буюрилганидек, дунё-ю охират ўртасига кўприк сола билишда. Зеро, «ҳеч қачон ўлмайдигандек бу дунё учун яшаган» инсоннинг ҳаётда қилган ҳар бир иши гўзал бўлади, пишқи-пухта бўлади, эзгу бўлади, магар уста бўлса, у қўрган биналар асрлар бўйи яшайди, энди «эртага ўладигандек охират учун яшаган» инсон-чи, у ҳар бир кунини сўнги кун дея билиб, неки амали бўлса, барини савобга ўраб-чулғайди, бировнинг кўнглини оғритмайди, ўғирлик қилмайди, одам ўлдирмайди ва ҳ.к... Чунки вақт чегараланган – эртагақал Бас, имкон қадар кўпроқ савоб ишлар қилиб қолишга интилади.

Демак, ҳадиснинг маъно-мантқиғидан кўриниб турибдики, тўғри яшаш дегани бу дунёни деб охиратни, охиратни дея дунёни унутиб қўймастикдир. Бас, шундай экан, нега бугун ўзбек жамияти дунёдан, дунёвийликдан, уни тақдир этишга йўналтирилган илму фандан, санъату адабиётдан узоқ тушмоқда?.. Бунинг ҳалокатли эканини наҳотки билмаймиз, наҳотки билмасқ?!.. Динга муккасидан кетиб, гўёки унинг йўриғида юраётган айримлар нега диндаги соғлом чақириқларга лаббай деб жавоб беришининг ўрнига дунёни, дунёвийликни инкор қилади, ўзига ва миллатига, алалоқибат эса, уммати оғеи остига чоҳ қазийди?..

Айтилганлардан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, кутубхоналардаги, китоб дўконларидаги мувозанатни тузатиб қўйлик: дунё ва охират ҳозирлиги учун зарур бўлган барча адабиётларни ўзаро мутаносиб нисбатда ҳозирно-нозир қилайлик. Улардан фақат биттасининг бўлиши ҳар қандай қавм, ҳар қандай миллатни тўппа-тўғри учуримга элтиши муқаррарлигини ўйлаб кўрайлик.

Бундай бўлмаслиги учун эса ҳукуматнинг халқ билан қўлни қўлга берган ҳолда, диний адабиётлар ёнида, улардан кам бўлмаган миқдорда дунёвий илму фан, санъату адабиётнинг ўрни ҳақида бот-бот тушунтириш ишларини олиб бориши яхши натижалар бергуси. Токи, миллатимиз ҳар соҳада баланд-баланд парвоз қилиш учун икки соғлом қанотга эга бўлсин: бири дунёвий – моддий бўлса, бошқаси руҳоний – маънавийдир... Янада тўғриси эса Аллоҳ билгувчи!..



Улуғбек ҲАМДАМ,
ёзувчи
2022 йил май – июнь



Орамизда шундай инсонлар борки, ўзига юклатилган шарафли вазифани бир-икки муддат эмас, керак бўлса, умр бўйи гарданларига олишга тайёр. Ана шундай фидойилардан бири Пайриқ туманидаги 17-умумтаълим мактаби бошланғич касаб уюшма ташкilotи раиси Ҳасан Муқимовдир.

Касаба уюшма фаоллари

ЧОРАК АСРЛИК ИШОНЧ

– Ҳасан Муқимов 26 йилдирки, мактаб бошланғич касаб уюшма ташкilotини бошқариб келяпти, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Пайриқ тумани кенгаши раиси Абдуҷабборхон Нарзуллаев. – Касби меҳнат ўқитувчилиги бўлгани туфайли хавфсизлик талабларини яхши тушунади. Шу боис таълим масканида меҳнат шароитлари, техника хавфсизлик талаблари рисоладагидек ташкilot этиб келинмоқда.

Касабақўм етакчиси маҳалла фаолларидан ҳам бири саналади. Бу эса ота-оналар ва мактаб ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, давоматни талаб даражасида таъминлашга хизмат қилмоқда. Таърибли етакчи одамлар кўнглига йўл топиш, улар руҳиятини англаш, катта-кичик муаммоларни кўчага чиқармасдан зудлик билан ҳал этишда етарлича салоҳиятга эга. Ходимларни дам олдириш, ўқувчиларни ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш унинг қатъий назоратида.

– Тўғриси айтсам, касаб уюшмаларидек серюмуш ташкilotнинг ўзи йўқ, – дейди Ҳасан Муқимов. – Мактабда ишлайдиган 50 нафарга яқин ўқитувчининг номидан иш кўриш ҳам катта масъулият юклайди кишига.

Жамоанинг юки оғир. Айниқса, ёш авлод тарбиясидак масъулият юкланган соҳа вакиллари саломатлиги ишончли муҳофазат этилмоғи керак. – Барчага дам олиш шароити яратиб бериш осон эмас, – дейди у. – Аммо юқори касаб уюшма ташкilotлари, мактаб маъмурияти кўмағида бу вазифанинг уддасидан чиқарилди.

Изланган имкон топади. Жонқуяр етакчи чорак асрдирки, жамоа ишончини оқлаб келяпти.

Нурлила ШАМСИЕВА,
«ISHONCH»

Эълонлар

Янгийўл шаҳридаги 9-(17-) умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1979 йилда Турғунова (Ишанханова) Умида Абдуллаевна номига берилган № 841983 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл тиббиёт коллежи томонидан 2005 йилда Мингаева Феруза номига «Хамширалик иши» йўналиши бўйича берилган К №256805 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент давлат техника университети (ҳозирги Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети) томонидан 2002 йилда Туранов Акроб Абдувалиевич номига берилган № 271480 (рўйхат рақами 304вз) рақамли диплом парвоз қилиш учун икки соғлом қанотга эга бўлсин: бири дунёвий – моддий бўлса, бошқаси руҳоний – маънавийдир... Янада тўғриси эса Аллоҳ билгувчи!..

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 262-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2010 йилда Ўброҳимов Абдулазиз Қобил ўғли номига берилган U № 4628136 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

30 йил аввал – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган пайт халқаро ҳуқуқ соҳасида тажрибамиз етарли бўлмаган. Шу боис Бош қомусимизнинг айрим моддаларидаги сўз ва тушунчалар умумэтироф этилган нормаларни аниқ ифодаламайди. Хусусан, Конституциямизнинг 17- моддасида қайд этилган норма рус тилидан нотўғри таржима қилинган, деб ҳисоблайман.

Айрим нормалар таржимасини қайта кўриб чиқиш керак

Гап шундаки, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг 1975 йил 1 август кунда имзоланган Яқунловчи актида илк бора тилга олинган «чегаралар бузилмаслиги» халқаро ҳуқуқий тамойили учта асосий унсурни қамраб олади. Биринчи унсур – «Европа чегараларининг ўзгармаслиги» бўлиб, иккинчи жаҳон урушидан кейин ўрнатилган чегараларнинг сақланишини аниқлади. Чегарадош давлатлар томонидан ўзаро чегаранинг янги жойлашуви юзасидан халқаро-ҳуқуқий келишувга келиш ҳолатлари бундан мустасно.

Иккинчи унсур – «чегаралар барқарорлиги» бўлиб, давлатларнинг ҳозирги кунда ва келажакда ушбу чегараларга дахл қилмаслик мажбуриятини кўзда тутди. Учинчи унсур – «чегаралар дахлсизлиги» бўлиб, давлатларнинг

ушбу чегараларга дахл қилишдан қочишини, шунингдек, бошқа иштирокчи-давлат ҳудудини қисман ёки тўлиқ босиб олиш ва узурпация қилишга, чегараларнинг ўтиш чизиғини ўзбошимча ўзгартириш ёки ўрнатилган режим ва амалдаги қоидаларга зид равишда чегарадан ўтишга қаратилган талаблар билан чиқишдан ёки хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишни назарда тутди.

Юқоридагилардан келиб чиқадиги, «чегаралар дахлсизлиги» замонавий халқаро ҳуқуқнинг асосий шартларидан бўлган «чегаралар бузилмаслиги» тамойилининг асосий унсурларидан биридир. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзбекча матнида ушбу ўзаро фарқ қилувчи икки тушунча битта «чегараларнинг дахлсизлиги» умумий атамаси билан келтирилган. Хусусан, рус тилидаги Консти-

туциянинг 3-моддаси 2-қисмида: «Государственная граница и территория Узбекистана неприкосновенны и неделимы» дейилган. Давлат тилидаги матнда эса ушбу жумла куйидагича тузилган: «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлимасдир». Рус тилидаги Конституциянинг 17-моддаси 1-қисмидаги «нерушимость границ» тамойили ҳам давлат тилидаги матнда «чегараларнинг дахлсизлиги» тарзида берилган.



«чегаралар бузилмаслиги» тамойили илк бора тилга олинган.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон юридик энциклопедияси» луғатининг 517-бетида «чегаралар бузилмаслиги» тамойили «чегаралар дахлсизлиги» шаклида тилга олинган бўлиб, бу ушбу тамойилнинг моҳиятига мувофиқ келмайди ва луғат фойдаланувчиларида ушбу халқаро ҳуқуқий тоифага нисбатан иккиланши туғдиради.

Назаримда, рус тилидаги «нерушимость границ» тамойили давлат тилидаги «чегараларнинг бузилмаслиги» сўз бирикмасига мувофиқ келади. Бундай таржимада «чегаралар дахлсизлиги» атамаси «неприкосновенность границ» тушунчасининг моҳиятини ифода этиб, «чегараларнинг бузилмаслиги», яъни «нерушимости границ» тамойилининг бир унсурига мувофиқ.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг давлат чегараси

расини ўрнатиш ва белгилаш тамойиллари келтирилган 4-моддаси 1-қисми 1-кичи бандида ушбу тамойиллар айнан куйидагича баён этилган: «... давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, давлат чегаралари дахлсизлиги ва бузилмаслигини ўзаро ҳурматлаш» («... взаимного уважения суверенитета, территориальной целостности государств, неприкосновенности и нерушимости государственных границ»).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Конституциявий Комиссия аъзоларига Конституцияни такомиллаштиришда ушбу фикрларни инобатга олишлари мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.



Пўлат МАККАМБОЕВ, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети мустақил тадқиқотчиси, юридик фанлар номзоди

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. ISSN 2010-5009. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69; Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89; Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79; Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43; Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги англиклар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22; Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23; Бухоро вилояти – (+998-99) 406-43-24; Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-24; Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-28; Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-26; Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-98-55; Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-32; Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-24; Фарғона вилояти – (+998-99) 889-98-01; Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-27; Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Ж. Наҳанов; Мусаҳиҳчи: У. Худойберганова

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов; Босишга топшириш вақти – 01:30; Топширилди – 01:40

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ-606 34287 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!



Шарифа САЛИМОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Шарифа САЛИМОВА – Она Ўзбекистонимизнинг пешқадам, халқимиз маънавиятининг келажаги ҳақида қайғурадиган инсон сифатида ҳурмат-эътибор топган истеъдодли ва оловюрак шоирасидир. Айни вақтда давлатимизнинг аҳоли фаровонлигини оширишга, умуммафкурамизни юксалтиришга қаратилган сиёсатини халқ ўртасида кенг тарғиб қилиш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

«Етти оққуш», «Ҳизр булоғи», «Гиёҳлар билан тиллашган инсон», «Аёлга эҳтиром» каби кўплаб китоблари бадиий ижод ихлосмандлари томонидан севиб мутолаа қилинади. Шеърлари орқали ҳалоллик, виждон, эзгулик, самимият каби мавзуларда ҳаётини сабоқ беради.

Нафақат истеъдодли, бетакрор шоира, балки қалами чарчланган публицист, таржимон сифатида ижод намуналари матбуотимиз саҳифаларида ёритилиб, барчаси манзур бўлмоқда.

Ёзувчилар уюшмаси йўлнамаси билан жойларда бўлиб, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, фидойи юртдошларимизнинг заҳматли меҳнати ҳақида мақолалар, эссе, очерк, туркум шеърлар ёзиб, ҳаёт ва давр қақриқларига ҳамшиша лаббай деб жавоб бериб келмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг эллиқдан ортиқ ғазаллари немис тилига таржима қилиниб, нашр этилишида Шарифа Салимованинг хизматлари катта. Шеърлари асосида яратилган «Ватан», «Онажон тилим», «Қаддингни тик тут, аёл» каби кўплаб дилрабо кўшиқлар элимиз орасида суйиб тингланади.

ҲАР КИМ ЎЗ ЖАННАТИН ҲАҚИДА...

Ҳар ким ўз жаннатин ўзича севад, Она алласини кўрандида туш. Мен сени қуёш деб, тортидим хижолат, Васфинга минг қалам ожиздир, халқим.

Кўҳиқоғ тоғларин залворлари ҳам Азамат елканга қўндирмас ғубор. Муқаддас туяроғнинг зарраларида Улуғ аждодларинг битиклари бор.

Ватанлар йўрғакда ҳали тиш чиқмай, Она алласини кўрандида туш. Сен Ватан тимсолди, номуҳи бўлиб, Қуёшга қўл чўзган она Тўмарис.

Ҳар ким ўз жаннатин ўзича севад, Қўшиқлар битида яна ва яна. Она Ватан меҳрин сокин сўзлайди, Амир Темур ётаган улуғ хилхона.

Шоирлар кўксига гувишлар дарё, Ҳар бир гиёҳ унга айтиб турар шеър. Дарёлар қўйилган уммон кўксига Сўз дурларин сочар улуғ Алишер.

Ҳар ким ўз жаннатин ўзича севад, Сен – Онам! Онадан ҳеч ким тонолмас. Юрагимдан ўсган улкан дарахтни, Кўксимдан сугуриб ҳеч ким ололмас.

ТОҒЛАР ЮКСАКЛИГИ ҚИСМАТИДА БОР...

Тоғлар юксаклиги қисматида бор, Мовий тўлқинларнинг Ватани уммон. Ҳайратга тушади қартайдан дунё, Ҳар нега кўз солса, босар ҳаяжон.

Сўз тилсим – азалдан интиҳо қадар, Шоирнинг қисмати – сеҳрли чирок, Туну кун ёнади, куяр ва лекин, Безовта юраги оромдан йироқ.

На ерга синади ва на самога, Унга ором берар самовий тушлар. Унга дил ёради бу кўҳна олам, Унга дил ёради гўзал оққушлар.

Даҳлар қисмати то дунё қадар, Ғофур Ғулум турар уллар ёнида. «Шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир Бундай буюкларнинг қаҳқашонида».

ШАРҚИРАЙДИ КУМУШ ДАРЁЛАР...

Шарқирайди кумуш дарёлар, Ярқирайди тоғнинг тошлари. Мангуликка оқар дунёлар, Мангуликда Аср бошлари.

Шарқирайди Вақт... Юрагимда Шабнамларга юзин ювар бахт. Олмаларин дув-дув тўкади, Сўз нуридан улғайган дарахт.

Чўғурлайди қушлар бетиним, Чўғурдан шеър исси келар. Капалаклар гулга лаб босиб, Мангуликнинг ортидан елар.

Сувга юзин ювади ялтиз, Ҳуши исидан тўлқинлар сархуш. Сайрайвериб толиққан куйчи – Ялтиз сувин симиради куйчи.

Шарқирайди кумуш дарёлар, Ярқирайди тоғларнинг қори. ...Утаётган лаҳзалар асли, Мангуликнинг қайта такрори...

Шарқирайди Вақт юрагимда...

БИР КУНИ Ё МАЙСА – ГИЁҲ БУЛАМИЗ

Бир кун ё майса – гиёҳ бўламиз, Шунда ҳам ҳолинган озоҳ бўламиз. Шоир қаламинга сиёҳ бўламиз, Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Ё ёмғир бўламиз, бўламиз шабнам, Майсалар кипригин айлажамиз нам. Ногоҳ ҳазон мисол тўқилганда ҳам Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Юлдузлар кулгусин ичганда ҳилол, Соҳларин дарёда ювса мажнунтол. Бир бойчечак бўлиб, сурганча хаёл, Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Биз сингил ё ини, ёки оғамиз, Бағринда дарё ё тоғдек қоламиз. Ғаним бошига тош бўлиб ёғамиз, Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Кўксинда қулунлар бўлиб чопамиз, Уйқудан ҳам қочди ҳаловат. Бугун бўлиб чўққинг излаб топамиз, Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

ХОРИЖ ДАФТАРИДАН

Мен дунёга синамайин қолдим, Уйқудан ҳам қочди ҳаловат. Сокин дарё, дилбар гўшалар Энди менга бермайди роҳат.

Қафасдаги қуш мисол юрак, Куйлай олмас Титратмас жонни. Кўзим излаб тополмай гирён, Тўрт томондан Ўзбекистонни...

ҲАР БИР БАҒДА...

Нечун бунча ям-яшил боғлар, Самодаги булут бунча оқ? Ботаётган қуёш нурлари Нега қондан кўра ёрқинроқ?

Тоғлар нечун қаддини букмас, Нечун боши эгик мажнунтол? Шунча юксак бўлса ҳам нечун, Ийманади бизлардан ҳилол?

Дарё нечун бир сўз айтмасдан, Оқаверар абадиятга? Сир-синоат тўла бу дунё, Солаверар бизни ҳайратга?

Яшилланиб соллар боғлар, Қайдан шунча илоҳий вайрон? Қўқдан келар шунда бир сада: Ҳар бир барда...Яратган пинҳон, Ҳар заррада Парвардизор бор...

БИР КУН СЎЛМАС БОҒГА АЙЛАНАР ВАТАН...

Бир кун сўлмас боғга айланар Ватан, Қайдар боғларда куйлар тинимсиз. Сиз нурдек тозаю, оққунгли инсон, Менинг шу даргоҳда топган унимсиз.

Дейдилар Аёл – бу энг жафокаш зот, Мангуш онадан туғилар зотан. Қалбдаги қуёшнинг ўчмаслиги-чун, Сиздек униларга муҳтождир Ватан.

Бу дунё ҳаммадан қолади бир-бир, Мангуш сўзалик, дарё тошлари. Инсондан-инсонлик қолар, деб куйлар Қушлар – одамзотнинг қариндошлари.

Кимдир қайлардадир меҳрга муҳтож, Кимдир қайлардадир ғамдан сочи қор. Сизда дину имон, сув тиниқлиги, Туркистон бекларин кенликлари бор.

